УДК 808.5

ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТУРКИЗМЛАРНИНГ ГРАФИК ЖИҲАТДАН ЎЗЛАШТИРИЛИШИ

В.А.Воситов

Инглиз тили лексикасига шарқий мамлакатлар тилларидан сўз ўзлаштириш бевосита ва бил-восита тил алоқаларига кўра амалга ошган. Инглиз тилига ўзлашган туркий сўзлар, албатта, фонетик ассимиляцияга учраган. Туркий тилларнинг ёзув тили лотин графикасига асосланган-лиги учун сўзлар кўчишида фонетик мослашув, айрим муқобили бўлмаган ҳарфларни ҳисобга олмаганда, осон кечган. Мақолада инглиз тилига ўзлашган туркий сўзларнинг график мосла-шиши масалалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *туркий сўзлар, ўзлашма сўз, ассимиляция, графема, орфографик шаклланиш, монограф, диграф, монографема, петит.*

Ассимиляция слов из языков восточных стран в английскую лексику происходила по непосредственным и опосредственым языковым связям. Турецкие слова, ассимилированные английским языком, были, конечно, фонетически ассимилированы. Так как письменность турецко-го языка основана на латинской графике, фонетическая адаптация при миграции слов прошла легко, за исключением некоторых непараллельных букв. В статье анализируются вопросы гра-фической адаптации турецких слов к английскому языку.

Ключевые слова: *турецкие слова, заимствованное слово, ассимиляция, графема, орфографическое образование, монограф, диграф, монографема, петит.*

Кириш

Тил алоқалари умумлингвистик муаммолардан бири ҳисобланиб, унинг тадқиқ қилиниши тилларнинг ўзаро алоқаларини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Тил алоқалари, сўз ўзлаштиришнинг бевосита ва билвосита омиллари, ўзлашган сўзларнинг лексик-семантик, морфологик, фонетик хусусиятлари бўйича ҳам муайян илмий натижаларга эришилган.

Материал ва усуллар

Инглиз тилига ўзлашган туркий сўзларнинг график жиҳатдан мослашуви масаласининг тадқиқи учун Л.И.Баранниковaнинг “Тил алоқалари ҳақида”, Р.М.Бутинанинг “Тил алоқалари масаласига доир”, А.А.Дарюшнинг “Инглиз тилидаги форсча сўзлар. Соф инглиз жамияти”, В.П.Секириннинг “Инглиз тилидаги ўзлашмалар”, Е.В.Тарленинг “Англия ва Туркия. Анналлар” илмий асарлари таҳлилга тортилди.

Муаммони ўрганишда структур, статистик таҳлил, лингвистик тавсифлаш таҳлил усуллари қўлланди.

Натижалар ва муҳокама

Тилда мавжуд сўзлар бошқа тилга ўзлашиши табиий ҳолдир. Негаки, инсонлар ҳаёти давомида маълум сабабларга кўра ўзга тилда мулоқот қилувчилар билан алоқаси натижасида бевосита ёки билвосита сўзларни ўзлаштиради. Инглиз тилига ҳам туркий сўзлар даврлар мобайнида бошқа халқлар билан савдо-сотиқ, ҳарбий юришлар каби сабабларга кўра ўтиб борган.

Тилшуносликда тил алоқалари, унинг турлари, туркизмларнинг инглиз тилида пайдо бўлиш сабаблари, интралингвистик ва экстралингвистик омиллар, тил бирликларининг ўзлашган сўзларга таъсири, фонетик, лексик, лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари ва қиёсий тадқиқи масалалари юзасидан жаҳон ҳамда юртимиз тилшунослари томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган ва муҳим илмий-назарий қарашлар илгари сурилган.

Туркизмларни бевосита тил алоқалари натижасида инглиз адабий тилига кириш йўлларини тадқиқ қилиш учун алоқага киришувчи икки мамлакатнинг энг муҳим тарихий,

савдо-сотиқ, маданий ва бошқа алоқаларини аниқлаш керак бўлади, бунинг учун тарихга қисқача саёҳат зарур.

Тарихчилар, этнографлар Англия ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг бошланишини XVI асрнинг ўртаси деб ҳисоблашади. Ўша вақтлардаёқ Туркия билан дўстлик алоқаларини ўрнатиш Англия учун, шак-шубҳасиз, қизиқиш касб этади, чунки Ҳиндистонга тўғридан-тўғри йўл очилгунга қадар Константинополь кенг савдо-сотиқ маркази бўлган.

Туркия тарихи кўп юз йилликларни ўз ичига олади. Турк давлати энг қадимий маданиятга эга бўлган Кичик Осиё ҳудудида пайдо бўлди. Туркия давлати ташкил топгач, дастлабки 10 йил ичида Европа ва Осиёнинг ўз даври учун энг ривожланган мамлакатлари билан яқинлашишга киришди. XV асрда Болқон, Византия, Константинополни ва XVI асрнинг бошларида араб давлатларини босиб олгандан кейин Туркия учта қитъа ичида, яъни Европа, Осиё ва Африкада жойлашган улкан ҳудудга эга қудратли империяга айланди. Шу тариқа у халқаро муаммоларни ҳал қилишда катта роль ўйнай бошлади. Унинг тарихи Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг тарихи билан чатишиб кетди. Европа кўплаб давлатлари у билан иттифоққа эришдилар, бошқа томондан Туркия ҳам Европада ўзига иттифоқчиларни қидирди.

Усмонийлар империяси Буюк султон Сулаймон ҳукмронлиги даврида гуллаб-яшнади. Сулаймон даврида турк маданияти ва қонунчилиги ғоят юқори ўсишга эришди. Султон ва унинг яқинлари улкан бойликка эга эди, натижада бу Ғарб билан муносабатларнинг ривожланишига таъсир қилди. Усмонийлар империясининг дабдабаси ва бойлиги билан завқланиш Европада “туркларни севиш” ҳодисасини келтириб чиқарди. Диний таъқиб қилишларни ва феодал-аристократик тузумидан хабардор XV–XVI аср европаликлар учун Туркия дин эркинлиги, адолат ва халқ оммасининг фаровонлиги мамлакати бўлиб туюлди. XVI асрда Усмонийлар империяси Европа давлатларида катта қизиқиш уйғотганлигига Туркия тўғрисида амалга оширилган илмий ишлар гувоҳлик беради. Немис олими Карл Гёльнернинг тадқиқот ишида кўрсатилишича, Ғарбий Европанинг турли мамлакатларида XVI асрнинг биринчи ярмининг ўзида чоп этилган ишларнинг 901 таси Туркияга бағишланган. Усмонийлар империясидаги имтиёзлар ва таъсирни қўлга киритиш учун Англия кўп куч сарфлади. Усмонийлар империяси билан Англия ўртасида дўстона алоқаларни ўрнатиш учун дастлабки қадам 1579 йили қўйилди.

Бу ўзаро алоқаларнинг бошланиши Англиянинг Туркиядаги биринчи элчиси Вильям Харборн номи билан боғлиқ. Шу вақтдан бошлаб инглиз тилига турк тилларидан сўзлар кира бошлайди ва уларнинг кўпи инглиз тилида мустаҳкам ўрнашиб қолади. Бу сўзларнинг семантикаси, асосан, турмушнинг ўзига хослиги, ўша давр Усмонийлар империясининг хусусиятлари билан боғлиқ. Туркча лексик элементларнинг катта қисми инглиз тилига ёзма йўл билан, инглиз элчиларининг кундаликлари ва ҳисоботлари орқали, шунингдек, инглиз шоирлари ва ёзувчиларининг бадиий асарлари орқали кирган. Биринчи инглиз элчиларининг инглиз қироличаси Елизаветага хатлари инглиз ва турк тиллари тарихини ўрганишда улкан аҳамият касб этади, бундай хатлар инглиз-турк тил алоқалари ҳақида маълумот берувчи ноёб манбалардан саналади. Уларда турк тилидаги атоқли отлар, турк реалияларини билдирувчи сўзлар кўп учрайди.

Сўз ўзлаштиришда тил эгаларининг мулоқоти муҳим аҳамиятга эга. Анча йиллардан бери мазкур масала юзасидан ўтказилган салмоқли тадқиқотларга қарамай, ушбу соҳадаги терминологик изоҳ барқарор эмас. Сўз ўзлаштириш икки томонлама амалга оширилувчи жараён ҳисобланади. Бу жараённинг бири тил эгаларининг мулоқоти, ички ва ташқи омиллар бўлса, иккинчиси сўзлар тилга ўзлаштирилиб ўша тилнинг луғат бойлигини оширада ва ўзлашган сўз ўзи учун янги тилнинг фонетик, лексик ва грамматик, ҳатто семантик меъёрларига мослашади. Ўзлашган сўзларнинг ассимиляцияси, ички ва ташқи таъсир этувчи омиллар, қолаверса, бевосита ва билвосита тил алоқалари масалаларини тадқиқ қилиш зарурати муаммонинг долзарб эканлигидан далолат беради.

Ўзлашган туркизмлар инглиз тилида ассимиляция ҳодисасига дуч келган. Инглиз тилидаги туркизмларнинг фонетик ва график жиҳатдан мослашиши масаласи кўплаб тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотган. Кўпчилик изланувчилар инглиз тилига туркий сўзлар ўзлашиш жараёнида инглиз тилининг фонетик меъёрига мослашиши табиий ҳодиса эканлигини таъкидлайдилар. Чунки ўзлашган сўзни маҳаллий аҳоли талаффуз қилишга қийналади ва ўз тилидагидек талаффуз қила

бошлайди. Натижада сўзнинг янги фонетик кўринишдаги шакли ва талаффузи пайдо бўлади, аста-секин тилнинг ўз лексик фондига айланиб, унинг ўзга тилдан ўтганлиги сезилмай қолади. Ҳатто кейинчалик янги авлод вакилларида бу сўзнинг ўзлашганлиги ҳақида тасаввур ҳам бўлмайди.

Туркизмларнинг график ўзлаштирилиши масаласини муҳокамага тортишдан аввал биз ассимиляция ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Маълумки, ўзлашган сўзлар лексик ассимиляцияга учраганда қабул қилувчи тилдаги сўзнинг ўрнини эгаллаши, унга синоним ёки дублет бўлиши, қабул қилувчи тилдаги сўз маъносини ўзгартириши ёки уни истеъмолдан сиқиб чиқариши мумкин. Масалан, Англиянинг 1086 йилда нормандлар томонидан истило қилиниши пайтида француз тилидан кўплаб сўзлар ўзлашган ва лексик ассимиляцияга кўра улар қабул қилувчи тилдаги сўзга маълум даражада таъсир ўтказган. Айни пайтда фонетик ассимиляция ҳам тенг равишда содир бўлган.

Замонавий тилшуносликда ассимиляция термини сўзнинг тилда қўлланилиши ва семантик жиҳатдан ривожланишининг барча томонларини қамраб олувчи мураккаб жараён сифатида қаралади [3. Б. 326]. Натижада сўзнинг фонетик, лексик, грамматик ва семантик томонлари ўзгаради. Ўзлашган сўзнинг асосий ассимиляциялашув белгиларидан бири унинг функционал фаоллигидир.

Сўзнинг тилда фаоллигини икки нуқтаи назардан тушуниш мумкин: ўзлашган сўзнинг қабул қилувчи тилдаги ва нутқдаги фаоллиги.

Айрим тилшунослар ўзлашган сўзнинг тилда қўлланилиш даражасининг фаоллиги унинг лексик ассимиляция мезонларига амал қилган ҳолда сўз ясашдаги, семантик ривожланишдаги, кўп маънолик, қабул қилувчи тилдаги мавжуд сўзга синоним бўлиш, фразеологик бирликларда таркибий қисм бўлиб қўлланилишидаги функционал ассимиляциясини белгилашни эътироф этишади [3. Б. 327]. Бошқа тадқиқотчилар фунционал ассимиляция деганда ўзлашган сўзларни тилдаги ва нутқдаги қўлланилиш даражаси, оммалашуви кабиларни ҳисобга олишади.

Инглиз тилига ўзлашган туркий сўзлар ҳам товуш ўзгаришлари, фонетик жараёнлар – нутқ жараёнида сўзнинг фонетик тузилишида, таркибида содир бўладиган ўзгаришларга учраган. Ўзлашмалар нутқ жараёнида, талаффузда товушлар бошқача айтилиши, тушиб қолиши, баъзан эса товуш орттирилиши, бир товушнинг иккинчиси томонидан мослаштирилиши жараёнларини бошдан кечирган.

Инглиз ва турк тилларининг тарихий-лингвистик алоқаси Р.Гербертнинг “Ҳозирги турк тилидаги инглизча ўзлаштирмалар” ишида ҳам кўриб чиқилган [8. Б. 83]. Муаллиф инглиз тилидан келиб чиққан 191 та сўзни ҳозирги турк тилида фонетик ва график мослашуви нуқтаи назаридан таҳлилга тортади. Унинг қайд қилишича, деярли ҳар бир инглизча товушга мувофиқ туркча эквивалент топилади (инглизча /p/ – туркча /p/). Турк тилидаги англицизмларни синчиклаб ўрганган Р.Герберт фикрича, улар турк тилига характерли бўлмаган ундошлар бирикмаси протеза (товуш ясаш) ёки эпентеза (товуш орттириш) каби фонетик ўзгаришларга учраган:

инглизча: *steam* → туркча: *istim* ёки *sitim*

инглизча: *standard* → туркча *istandard* ёки *sitandard*

Яқин вақтларгача рус инглизшунослигида инглиз ва турк тилларининг ўзаро алоқаси ҳақидаги масалага етарли эътибор берилмаган. Инглиз тили лексикологияси бўйича дарсликларда ўзлашма туркизмларга кам тўхталиб ўтилган. Тадқиқотчиларнинг аксарияти инглиз тилига туркий сўзларнинг кириб келиши сабаблари, инглиз тили заминида яшовчи халқ томонидан ўзлаштирилиши ва уларнинг фонетик, лексик, грамматик ва семантик ассимиляцияси ҳақида тўла маълумот бермаган. Бу эса мазкур масалани ўрганиш заруратини кўрсатади.

Ўзлапшган туркий сўзлар инглиз тилида ё тўла, ёки қисман ассимиляцияга учраган. Лекин аксарият ҳолларда туркий сўзлар тўлиқ ассимиляцияга учраб, инглиз тилининг товуш таркибини ўзига сингдирган.

Ўзлашган туркий сўзлар бутунлигича ўзининг моддий товуш қобиғида инглиз тилига ўтади ва ўзлаштираётган тилнинг фонологик тизимига, унинг талаффуз қоидаларига, артикуляциясига, орфоэпиясига мослашади. Сўзнинг ўз фонетик қобиғини ўзгартирмаган ҳолда ўтиши камдан-кам ҳолларда кузатилади, чунки ўзлаштирувчи тил эгаси бошқа тилга оид сўзни ўз фонологик тизими орқали қабул қилади.

Туркий тиллардан келиб чиққан сўзларнинг фонетик ўзлаштирилиши уларнинг инглиз тилида график шаклланиши билан узвий боғлиқ. Кўпинча сўз талаффузидаги ўзгариш қабул қилувчи тилда сўзнинг график жиҳатдан мослаштирилиши натижасида рўй берди.

Тадқиқот материали шуни кўрсатадики, инглиз тилида туркий тиллардан ўзлашган сўзлар график жиҳатдан турлича шаклланган. Инглиз тилига хос бўлмаган туркий ҳарф ва ҳарф бирикмалари инглиз ёзув бирлигидаги энг кичик ёзув бирлиги, яъни графемалар билан алмаштирилган. Инглиз тилида фонемалар ва уларнинг график тасвири ўртасида тўғри келадиган ҳолатлар доимо учрамайди. Негаки, XX асргача туркий тилларнинг ёзув шакли араб ёзувига асосланганлигидадир. Араб ёзуви лотин графикасидан, маълумки, тубдан фарқ қилади.

Тарихда 1928 йилгача турк тили араб ёзувидан фойдаланган, лекин турк тилининг ўзига хос товушлари араб алифбоси билан тўлиқ берила олмас эди ва шунинг учун туркий тиллардан келиб чиққан сўзлар инглиз тилида турлича шаклда ифодаланар эди.

1929 йил 1 декабрда Ўзбекистон араб хатидан лотин алифбосига ўтди. Шу вақтда ўзбек тилининг лотин алифбосида тутуқ белгиси билан 34та белги бўлган. Мана шу белгилар ичида c, ç, ğ, s ҳарфлари ҳам бўлганки, бу ҳозирги турк алифбосида мавжуд.

Араб тили тизимидан фойдаланилган даврда туркий тиллардан ўтган ўзлаштирмаларнинг ёзилишида дублетлар ва триплетлар қўлланилган. Мисол учун, *Rauf* сўзи *Raouf, Rouf* ёки *Raouph* кўринишида бўлган.

Шуни алоҳида айтиш керакки, деярли барча турк тили ундошларининг муқобили инглиз тилида мавжуд. Масалан, инглиз тилидаги p , b , t , d ундош ҳарфлари турк тилидаги билан бир хил хусусиятга эга, лекин туркча c, ç, ğ, s ундош ҳарфлари инглизча муқобилларга эга эмас.

Бу ундош товушларни инглиз тилида ифодалаш усулларини кўриб чиқадиган бўлсак, турк ундош ҳарфи “c” инглизча “j” га тўғри келади ва мос равишда турк тилидан келиб чиққан сўзни инглиз тилининг воситалари билан ифодалашда туркча *sançak, ferace* инглиз тилида *sanjak, ferijee* кўринишида берилган.

Инглиз тилида “sh” диграфи транскрипцияда /ʃ/ кўринишида берилиб, ушбу товуш туркча ундош ҳарф “ş” га мос келади. Масалан: туркча *bahşiş* инглизча *bakshish* ва ҳ.к.

Турк тилининг фонетик жиҳатдан инглиз тилидан фарқ қилувчи ўзига хос хусусияти ҳозирги турк алифбосида ğ ва ç билан ифодаланадиган бўғиз товушларининг мавжудлиги ҳисобланади.

Туркча “ğ” ундош ҳарфи инглиз тилида асосий график мослик “g**”** монографи билан ифодаланади. Масалан: туркча *ağa* → инглизча *aga.*

Аммо кўпинча туркча “ğ” ундош ҳарфи инглизча “gh”диграфи билан ифодаланади. Масалан: туркча *yatağan* → инглизча *yataghan*.

Ҳозирги турк тилида орқа қатор унлилари олдида у талаффуз қилинмайди, аммо ёзувда анъана бўйича акс эттирилади. Ундош “ğ” ҳарфининг ҳозирги туркча талаффузи нафақат талаффузда, балки турк тилларидан келиб чиққан сўзларнинг ҳозирги инглиз тилидаги орфографик шаклланишида ҳам акс этади (*қиёсланг*: инглизча *yaourt* → туркча *yoğurt***).**

Туркча “к” ундош ҳарфи инглиз тилида қуйидаги графемалар билан ифодалади:

1. “к” монографи билан: туркча *başi-bazuk* → инглизча *bashi-bazouk*;
2. “c” монографи билан: туркча *kayak* → инглизча *caique*; туркча *kahve* → инглизча *coffee*;
3. “oh”диграфи билан: туркча *kağan* → инглизча *chagan*;
4. “ck” диграфи билан: туркча *çubuk* → инглизча *chibouck*.
5. “kh” диграфи билан: туркча *kaan* → инглизча khan.
6. “que” триграфи билан: туркча *odalik* → инглизча *odalisqae*.

Баъзан туркча “k”ундош товуши инглиз тилида “g” монографи ва ҳатто “gh” диграфи билан ҳам берилади. Масалан, туркча *kalyonji* → инглизча *galleonji*.

Баъзан туркча “k” ундош товуши инглиз тилида “q” монографи билан ҳам берилади. Инглиз тилида ўзидан кейин келадиган “u” ҳарфисиз ҳеч қачон ишлатилмайдиган “q” ҳарфи /k/ товушини ифодалайди, турк тилидан келиб чиққан айрим сўзларни ёзишда мустақил қўлланилади, аммо бундай ҳолларда турк тилида махсус талаффузни кўрсатади. Масалан: *Kazaq*, *Kara-kalpaq*.

Кўп ҳолларда ўзида “q” ҳарфи бўлган турк тилидан келиб чиққан сўзлар инглиз тилида кўпинча “k” ҳарфи билан алмаштирилади, масалан: туркча sancaq → инглизча sanjak; туркча raqi → инглизча raki.

Шундай қилиб, туркча “k” ундош ҳарфи инглиз тилида бир қанча ундош ва ундош ҳарф бирикмалари орқали ифодаланади:

1-жадвал

Туркча “k” ундош ҳарфининг инглиз тилида бир қанча ундош ва ундош ҳарф бирикмалари орқали ифодаланиши

K								
k	c	ch	ck	kh	que	g	gh	q

Туркча “h” ундош ҳарфи инглиз тилида қуйидаги кўринишда ифодаланиши мумкин:

1) “h” монографи кўринишида: туркча *harem* → инглизча harem; туркча *kammal* → инглизча *hamal*;

2) “kh” диграфи кўринишида: туркча *hidiv* → инглизча *khedive*; туркча *han* → инглизча *khan*;

3) “c” монографи кўринишида: туркча *halife* → инглизча *caliph*.

Шундай қилиб, туркча “h” ундош ҳарфи инглиз тилида қуйидаги графемалар билан ифодаланади:

2-жадвал

“h” ундош ҳарфининг инглиз тилида графемалар билан ифодаланиши

H		
h	kh	C

Туркча “s” ундош ҳарфи инглизча “s” монографига мос келади. Масалан: туркча *selçuk* → инглизча *seljuk*; туркча *sipahi* → инглизча *spahi*. Баъзи бир ҳолларда туркча “s” ҳарфи инглизча “z” монографи билан ифодаланади, масалан: туркча *fes*→ инглизча *fez*.

Юқоридаги фикрга хулоса сифатида айтиш мумкинки, туркча “s” ундош ҳарфи инглиз тилида “s” ва “z” графемаларига тенг келади.

Шунингдек, туркча “v” ундош ҳарфига, қоида бўйича, инглиз тилида “v” монографи мувофиқ келади. Масалан: туркча *zeamet* → инглизча *zeameth***;** туркча *zenne* → инглизча *zenne*; туркча *vezir* → инглизча *vezier***.**

Туркча “z” ундош ҳарфи инглиз тилида “z” монографига мос келади. Масалан: туркча *vali* → инглизча *vali*; туркча *vilayet* → инглизча *vilayet***.**

Баъзида туркча “z” ундош ҳарфи инглиз тилида “f” графемаси орқали ифодаланади, масалан: туркча *kahve* → инглизча *coffee*.

Туркча “f” ундош ҳарфига инглизча “f” монографемаси тўғри келади. Масалан: туркча *fetva* → инглизча *fetva*; туркча *feraçe* → инглизча *ferijee*.

Баъзи бир ҳолларда туркча “f” ундош ҳарфи инглиз тилидаги “ph” кўринишидаги диграф орқали ифодаланади. Масалан: туркча *serafe* → инглизча *seraph***;** туркча *halife* → инглизча *caliph***.**

Юқорида туркий тиллар ундош ҳарф, ҳарф бирикмалари ва товушларининг мосликлари ҳақида фикр юритдик. Турк унли ҳарфларини ифодалашнинг усулларига алоҳида тўхталганимизда, шуни айтиш мумкинки, турк унли ҳарфлари инглиз тилининг “яқин” монографемаларига тўғри келади.

3-жадвал

Турк унли ҳарфларининг инглиз тилидаги яқин монографемалар орқали ифодаланиши

№	Турк ҳарфи	Инглиз ҳарфи	Мисоллар	
			Турк сўзи	Инглиз сўзи
1	a	a	kaftan çakal	caftan chacal
2	e	e	beg, eleme	beg, eleme
3	ö, o	o	boş dolma boza	bosh dolma boza
4	u	U	karahulak turbant	karakhulak turban
5	i	I	kismet imam	kismet imam

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айрим пайтларда турк унлиси тўғри келадиган инглизча монографема ҳам мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бир қатор ҳолларда турк унли ҳарфлари азалги инглиз диграфлари билан ифодаланади. Масалан, турк унли ҳарфи “e” инглизча диграф “ee” билан ифодаланади.

Туркча *ferace* → инглизча *ferajee*; туркча *elçi* → инглизча *elchee*.

Турк ҳарф бирикмаси “ay” инглиз тилида “ai” кўринишида ифодаланади.

Масалан: туркча *bayram* → инглизча *bairam*; туркча *kayik* → инглизча *caique*.

Турк ҳарф бирикмалари “ya”, “ey” инглизча “ya”, “ey” диграфларига мос келади.

Масалан: туркча *yaşmak* → инглизча *yashmak*; туркча *yala* → инглизча *yala*; туркча *bey* → инглизча *bey*.

Шунингдек, кўплаб ўзлаштирилган турк сўзларининг орфографияси фонетик ассимиляцияга учраганда инглиз тилининг қайсидир сўзи типига ўхшатиш натижасида ўзгарган. Мисол учун, инглиз тилига хос бўлмаган охирги **“**h” ҳарфи *parah, odah, nargileh* каби сўзларда инглиз тилига қабул қилинмади ва график жиҳатдан аксини топмади. Масалан: туркча *parah* → инглизча *para*; туркча *odah* → инглизча *oda***;** туркча *nargileh* → инглизча *nargile*.

Инглиз тилига хос бўлмаган бир қатор турк ҳарф бирикмалари инглиз тилида қабул қилинмади. Мисол учун, инглиз тилига хос бўлмаган иккиланган “kk” инглиз тилида “k” монографемаси билан алмаштирилди. Масалан: туркча *окка* → инглизча *оке***.**

Инглиз тили учун характерли бўлмаган “e” ёки “i” унлилари билан тугайдиган туркча сўзлар кўпинча бу ҳарфларни тушириб қолдириш йўли инглиз тилига ўзлашди. Масалан: туркча *halife* → инглизча *caliph*.

Бироқ айрим ҳолларда туркча сўзларнинг охиридаги унли ҳарфлар инглиз тилига ўзлашганда сўз таркибида сақланиб қолган ва бу ҳолатлар шу сўзларнинг бошқа тилдан келиб чиққанлигининг далили бўлиб хизмат қилади. Чунки инглизча сўзлар, аслида, бу монографлар билан тугамайди. Масалан: туркча *effendi* → инглизча *effendi*; туркча *ferace* → инглизча *ferijee*; туркча *raqi* → инглизча *raki* ва бошқалар.

Турк тилидан келиб чиққан аксарият сўзларнинг орфографияси фонетик ассимиляцияда инглиз тилида мустаҳкамланиб қолишида икки ва ундан ортиқ муқобиллари билан ўзлашди. Айнан мана шунинг учун луғатлар турк тилидан инглиз тилига ўтиш босқичини акс эттириб, турк тилидан келиб чиққан сўзларнинг икки ёки ундан ортиқ вариантини қайд қилади. Ҳақиқатан, биз кўриб чиқаётган сўзларимиз орасида *karakalpak* ва *karakalpaq; chouse* ва *chiaus; chan* ва *khan* сўзларини учратамиз.

Шундай қилиб, биз тадқиқ қилган материал шуни кўрсатадики, ҳозирги инглиз тилидаги кўп турк сўзлари график жиҳатдан худди қадимдаги кўриниши каби шаклланган.

Бироқ ҳали турк сўзларидан келиб чиққан сўзларнинг етарли даражадаги катта миқдори, айниқса, умумистеъмол лексикадагилари инглиз тилига хос бўлмаган ҳарф ва ҳарф бирикмаларини сақлаб қолиб, ёзувда уларни ажратиш учун сўзнинг бошқа қисмига қараганда кичикроқ кўринишда (петит) берилади. Буларга *bostanjee*, *borek*, *karagoz* каби сўзларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари, турк тилининг лотин графикасига ўтиши сабабли инглиз тилига бир неча юз йиллар илгари кириб келган туркий тиллардан келиб чиққан сўзлар ҳозир деассимиляция (ассимиляциядан чиқиш) жараёнига учрамоқда. Мисол учун, XVI асрда инглиз тили томонидан ўзлаштирилган ва инглизча изоҳли ва этимологик луғатларда “*pasha*” кўринишида қайд қилинган туркча *paşa* сўзи ҳозир баъзи бир луғатларда ўзининг туркча “*paşa*” шаклида учрамоқда ва петит билан ажратилмоқда.

Айрим туркий ўзлашмалар инглиз тилига хос бўлмаган ҳарф ва ҳарф бирикмаларини сақлаб қолган. Уларни ёзувда ажратиш учун сўзнинг бошқа қисмига қараганда кичикроқ кўринишда берилади.

Хулоса

Шундай қилиб, тил материалларининг таҳлили кўрсатадики, турк тилидан келиб чиққан сўзларнинг кўпчилик қисми график жиҳатдан инглиз тилининг орфоэпик нормаларига мувофиқ расмийлаштирилган. Масаланинг энг эътиборли томони турк тилида унлиларнинг ёзувда чўзиқлиги тепасига диакриптик белгининг қўйилиши билан берилади. Ҳозирги инглиз тилида унлининг чўзиқлигини фақат транскрипцияда унли товушдан кейин икки нуқта қўйилиши билан ажратилади. Инглиз тилида унлининг диакриптик белги билан берилиши қадимги инглиз ёзувида бўлган.

Адабиётлар:

1. *Баранникова Л.И.* О языковых контактах. / В кн.: Взаимодействие и взаимообогащение языков народов СССР. – Москва: Наука, 1969. – 257 с.
2. *Бутина Р.М*. К проблеме контактов языков: (на материале тюрк. лексич. элементов в англ. яз.): Автореф. дис…канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1971. – 26 с.
3. *Добровольская О.Я.* Ассимиляция заимствований в среднеанглийском языке // Filologos. 2016. – № 30 (3). – С. 326-328.
4. *Daryush A.A.* Persian Words in English. Society for Pure English. Tract No XIII. – Oxford: Clarendon Press, 1934. – 102 p.
5. *Секирин В.П*. Заимствования в английском языке. – Киев: Издательство Киевский университет, 1964. – 152 с.
6. *Тарле Е.В.* Англия и Турция. Анналы. // Журнал Всеобщей истории, 1923. –№ 3. – С. 22–24.
7. *Cannon G., Kaye A.S*. The Persian Contributions to the English Language. An Historical Dictionary. – Wiesbaden: Harrassowitz Verlag, 2001. – 190 p.
8. *Herbert R.* English Loanwords in Modern Turkish. – Wies, 1967. – 239 p.
9. *Cannon G., Kaye A.S*. The Arabic Contributions to the English Language: an Historical Dictionary. – Wiesbaden: Harrassowitz, 1994. –345 p.
10. *Mc.Khight G.H*. English Words and Their Background. – New York, 1932. – 431 p.
11. *Lewis G.* The Turkish Language Reform: A Catastrophic Success. –New York: Oxford University Press, 2002. – 190 p.
12. *Peters J., Salloum H*. Arabic contributions to the English vocabulary: English words of Arabic origin: etymology and history. - Beirut, Lebanon, Librairie du Liban 1996. **–** 142 p.
13. *Taylor W.* Arabic Words in English. Society for Pure English Tract. N° XXXVIII. – Oxford: Clarendon Press, 1933. – 432 p.

GRAPHICAL BORROWING OF TURKISMS IN ENGLISH

V.A.Vositov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 5 (65). 105-112.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: turkic words, borrowed word, assimilation, grapheme, orthographic formation, monograph, digraph, monograph, petite.

The assimilation of words from the languages of Eastern countries into the English lexicon occurred for direct and indirect reasons. Words borrowed into English are, of course, assimilated phonetically. Since the writing of the Turkic languages is based on the Latin script, phonetic adaptation when borrowing words was easy, with the exception of some non-parallel letters. The article analyzes the issues of graphic adaptation of Turkish words to English.

A distinctive feature of the Turkish language phonetically different from the English language is the presence of guttural sounds represented by **ğ** and **ç** in the current Turkish alphabet.

The Turkish consonant letter "**ğ**" is represented in English by the monograph "**g**", the main graphic correspondence. For example: Turkish **ağa** → English **aga**.

But often the Turkish consonant "**ğ**" is represented by the English digraph "**gh**". For example: Turkish **yatağan** → English **yataghan**.

In modern Turkish, it is not pronounced before back vowels, but is traditionally reflected in the script. The current Turkish pronunciation of the consonant "**ğ**" is reflected not only in pronunciation, but also in the current English orthographic formation of words of Turkish origin. (Compare: English **yaourt** → Turkish **yogurt**).

As a rule, the consonant letter "**v**" in Turkish corresponds to the monograph "**v**" in English. For example: Turkish **zeamet** → English **zeameth**; Turkish **zenne** → English **zenne**; Turkish **vezir** → English **vezier**.

The Turkish consonant "**z**" corresponds to the monograph "**z**" in English. For example: Turkish **vali** → English **vali**; Turkish **vilayet** → English **vilayet**.

Sometimes the Turkish consonant "**z**" is represented in English by the grapheme "**f**", for example: Turkish **kahve** → English **coffee**.

The English monograph "**f**" corresponds to the Turkish consonant letter "**f**". For example: Turkish

fatwa → English **fatwa**; Turkish **feraçe** → English **ferijee**.

In some cases, the Turkish consonant letter "**f**" is represented by a digraph similar to the English "**ph**". For example: Turkish **seraph** → English **seraph**; Turkish **halife** → English **caliph**.

However, in some cases, the vowels at the end of Turkish words were preserved in the word structure when they were absorbed into English, and these cases serve as evidence that these words originated from another language. Because English words, in fact, do not end in these monographs. For example: Turkish **effendi** → English **effendi**; Turkish **ferace** → English **ferijee**; Turkish **raki** → English **raki** etc.

The orthography of many words of Turkic origin has become fixed in English by phonetic assimilation, with two or more alternatives. This is precisely why dictionaries reflect the transition from Turkish to English and record two or more variants of words of Turkish origin. Indeed, among the words we are looking at are **karakalpak** and **karakalpak**; **chouse** and **chiaus**; we meet the words **chan** and **khan**.

References:

1. Barannikova, L.I. (1969). *O yazykovyh kontaktah* [Language contacts]. In: Vzaimodejstvie i vzaimoobogashchenie yazykov narodov SSSR [Interaction and mutual enrichment of the languages of the peoples of the USSR]. Moscow: Nauka.

2. Butina, R.M. (1971). *K probleme kontaktov yazykov (na materiale tyurkskih leksicheskih elementov v anglijskom yazyke)* [On the problem of language contacts (on the material of Turkic lexical elements in English)]. Abstract of Dissertation for the Candidate of Philological Sciences. Alma-Ata.

3. Dobrovol'skaya, O.Y. (2016) Assimilyaciya zaimstvovanij v sredneanglijskom yazyke [Assimilation of borrowings in Middle English]. *Filologos*. No 30 (3). Pp. 326-328.

4. Daryush, A.A. (1934). *Persian Words in English. Society for Pure English*. Tract N°XIII. Oxford: Clarendon Press.

5. Sekirin, V.P. (1964). *Zaimstvovaniya v anglijskom yazyke* [Borrowings in English]. Kiev: Izdatelstvo Kievskogo universiteta.

6. Tarle, E.V. (1923). Angliya i Turciya. Annaly [England and Turkey. Annaly]. *Jurnal Vseobshchej istorii*. No 3. Pp. 22-24.

7. Cannon, G., Kaye, A.S. (2001). *The Persian Contributions to the English Language. An Historical Dictionary*. Wiesbaden: Harrassowitz Verlag.

8. Herbert, R. (1967) English Loanwords in Modern Turkish. Wies.

9. Cannon, G., Kaye, A.S.(1994) *The Arabic Contributions to the English Language: an Historical Dictionary*. Wiesbaden: Harrassowitz.

10. Mc.Khight, G.H. (1932) *English Words and Their Background*. New York.

11. Lewis, G. (2002) The Turkish Language Reform: A Catastrophic Success. New York: Oxford University Press.

12. Peters, J., Salloum, H. (1996) *Arabic contributions to the English vocabulary: English words of Arabic origin: etymology and history*. Beirut, Lebanon, Librairie du Liban.

13. Taylor,W. Arabic Words in English. Society for Pure English Tract. N° XXXVIII. Oxford: Clarendon Press.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ВОСИТОВ Валижон Абдувахабович – филология фанлари номзоди, Андижон давлат университети Инглиз тили ва адабиёти кафедраси доценти. E-mail: vositovvalijon7@gmail.com